



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 114 (12.425)

Баҳоси эркин нарҳда



ФАРҒОНАДА КЎРИШГҮНЧА ХАЙР!

...Байрамонга безатилган «Бухоро» марказий стадиони узра олий ўқув юрлари талабаларининг «Универсиада – 2013» республика спорт мусобақалари машъаласи порлаб турибди. Майдонни тўлдирган ёш спортчилар ва артистлар мазкур спорт форумига бағишланган вокал-хореографик композицияни ижро этмоқда.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бошланди. Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келди.

Энг ҳаяжонли дақиқалар – голибларни тақдирлаш маросими бошланди. Мусобақада энг кўп медал жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси юксак мукофот – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Универсиада – 2013» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси – «Дамас» автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Самарқанд ва Андижон вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси – «Дамас» автомобиллари топширилди.

Мурасим курашлар остида ўтган мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ирода ва ғалабага интилишини намойён этган, тенгқурлари орасида юқори натижаларга

эришган бир гуруҳ спортчи-талабалар махсус совринларга сазовор бўлди.

– Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бунинг самарасида маҳоратли спортчилар сафи кенгайиб бораётгани бу галги Универсиада беллашувларининг юқори натижалари ва рекордларида ҳам намойён бўлди, – дейди «Универсиада – 2013»нинг стол тенниси бўйича олтин медал соҳибаси, пойтахтлик Нодира Бурхонхўжаева. – Юртбошимизнинг биз, ёшларга эътибори ва ишончи бизни халқаро ареналар сари дадил одимлашимизда муҳим омил бўлаётди.

Олимпия тамойиллари, ҳолислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, рақибга ҳурмат каби умуминсоний қадриятлар бош мезон бўлган Универсиада беллашувларида иштирокчиларнинг кўрсаткичи ва натижалари тобора ўсиб бораётгани кузатилди, кўплаб янги рекордлар ўрнатилди. Бу келажақда Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга қодир спортчилар заҳирасида иқтидорли ёшлар сафи кенгайиб бораётганининг яна бир далилидир.

Мусобақаларда маҳорат кўрсатган спортчи ёшларнинг ақсари янги Бутунжаҳон Универсиадада қатнашади. Шу йилнинг

6-17 июль кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида ўтаётган ушбу нуфузли мусобақада саксон нафар спортчидан иборат Ўзбекистон спорт делегацияси спортнинг ўн тўрт тури бўйича голиблик учун куч синашади.

Мамлакатимизда олтинчи бор ўтказилган Универсиада нафақат Ўзбекистон спортчи ҳаётида катта воқеа, балки барча жаҳонда эришяётган ютуқлари билан Ватанимиз шарафини улуғлашга қодир ёшларимизнинг том маънодаги ёшлик ва гўзаллик байрамига айланди. Истиқлол йилларида умидли спортчиларимиз халқаро миқёсда юртимиз обрў-эътиборини янада юксалтиришга, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказяётган мамлакатимиз ва халқимизни бутун дунёга янада кенг таништиришга хизмат қилмоқда.

«Универсиада – 2013» республика спорт мусобақалари universiada.uz сайтида ўзбек, рус, инглиз, немис, француз, италия, испан, корейс, япон, хитой тилида ёритилди. Уч кун давомида дунёнинг қирқдан ортқ давлатидан ўн минглаб спорт мухлислари Универсиада беллашувларини ушбу расмий сайт орқали кузатиб борди.

«Универсиада – 2013» дастури доирасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар – танқитчи спортчилар, шоир ва ёзувчилар, санъат арбоблари билан учрашувлар, қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар, шоу-

Бухоро шаҳрида «Универсиада – 2013» спорт мусобақаларининг финал босқичи якунланди



Мухаммад Амин, Тоҳир Истатов (ЎзА) олган суратлар

концертлар ташкил этилди. Айниқса, Бухоро маданий маркази, ундаги «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи талабаларда унутилмас таассурот қолдирди.

...Стадион узра майин мусика садолари янгради. «Универсиада – 2013» республика спорт ўйинларининг байроғи туширилади. Уни бухоролик спортчилар олий ўқув юрлари талабаларининг наватдаги финал мусобақасига мезбонлик қилаётган Фарғона вилояти вакиллари тақдирлади.

– Навбатдаги Универсиаданинг финал босқичи Фарғона вилоятида ўтказилиши биз учун юксак шарафдир, – дейди енгил атлетика бўйича олтин медал соҳибаси Достон Сайдалиев. – Уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг юқори бўғини бўлган талабалар мусобақаси бизнинг вилоятимизда ҳам юқори савияда ўтишига ишонамиз. Мусобақа машъаласи аста-секин сўнади. Бироқ у қатнашчилар қалбига жо бўлиб, уларнинг катта спорт сари йўлини ёритиб, янги ва янада улкан ютуқларга қорлайверади.

«Универсиада – 2013» спорт мусобақаларининг ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерти билан якунланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Эркин ЁДГОРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

**Мустақиллик йилларида
Президентимиз Ислам Каримов
раҳнамолигида илм-фан, таълим,
маданият, адабиёт, санъат
соҳаларига улкан эътибор
қаратилиб, хусусан, Ватанимиз
тарихида ўчмас из қолдирган
атоқли адиблар, фан ва маданият
намоёндаларининг хотирасини
эъзозлаш, қутлуг меросини асраб-
авайлаш ва ўрганиш борасида
кенг кўламли ишлар амалга
ошириб келинмоқда.**



Айло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 май кун қабул қилинган «Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасига Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатиш тўғрисида» Қарори асосида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида яна бир муъзаам бадий обиданинг бунёд этилиши ана шу эзгу ишларнинг мантиқий давомидир.

Бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида яратилган ушбу ҳайкал тизимлида собиқ мустабид тузум давридаги қийинчилик ва машаққатлар, ҳижрон ва айрилиқ азобларига қарама-қарши, вафо ва садоқат намунасини кўрсатиб, оғир синовларда тобланган, ўзал бадий асарлари орқали халқимизга хос инсонийлик, сабр-бардош ва меҳр-қибат фазилатларига ўз шахсий ҳаётларида амал қилиб, бу туйғуларни бетакрор асарларида юксак пардаларда тараннум этиб яшаган икки улуғ ижодкорнинг ёрқин сиймоси таъсирчан бадий – эстетик воситалар орқали ифода этилган.

Шу йилнинг 10 июнь кун – атоқли адиб Саид Аҳмад таваллуд топган кунда ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий боғига ижодкор зиёлилар, талаба ва ўқувчи ёшлар, маҳалла ва меҳнат жамоалари вакилларида иборат кенг жамоатчилик тўпланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон

халқ шоири А.Орипов, Ўзбекистон халқ шоири О.Ҳожиева, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунованинг фарзанди Н.Хусанхўжаева ўзбек миллий адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган, бетакрор ижоди ва ибратли ижтимоий фаолияти билан ўзлгимизни англаш, ёш авлодни она Ватанга севиш ва садоқат туйғуси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш йўлида бекиёқ хизмат қилган атоқли адибларимизга кўрсатилаётган юксак эъзоз ва эҳтиром ҳақида ўзбекдилар.

Маросим сўнгида ҳайкал пойига гулчамбарлар қўйилди. Бу гўзал ёдгорлик ўзида ифода этган таъсирчан бадий мазмун ва чуқур ҳаётий фалсафаси билан юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизни маънавий уйғоқликка, ҳаётга янгича назар, янгича тафаккур билан қарашга, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, доимо оғоҳ, ҳар томонлама сезgir ва уйғоқ бўлиш, яқин ва узоқ тарихдан ҳулоса чиқариб, мустақиллигимизнинг аҳамияти ва қадр-қиммати янада теран англаб, уни кўз қорачигидек асраш ва ҳимоялаш йўлида фидойилик кўрсатиб яшашга даъват этади.

Тантанавда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

(ЎзА)

Бадий гимнастика

ЯНГИ ЮЛДУЗЛАР БЎЙ КЎРСАТДИ

**Тошкентда бадий гимнастика бўйича
Осиё чемпионати ва «Happy Caravan»
халқаро турнири якунланди**

Пойтахтимиздаги Бадий гимнастика бўйича олимпия заҳиралари республика болалар-ўсмирлар иштирокчилар спорт мактабида 4-8 июнь кунлари бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Happy Caravan» халқаро турнири бўлиб ўтди.

Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Осиё гимнастика уюшмаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз Гимнастика федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Ҳиндистон, Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Исроил, Россия каби давлатлардан икки юз нафардан зиёд гимнастикачи голиблик учун баҳslashди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Бу жараёнда спортнинг қизларга хос нафис тури – бадий гимнастикани янада оммалаштириш, малакали мураббия кадрларни тайёрлаш ва уларнинг фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бадий гимнастика бўйича жойларда ҳудудий федерациялар ва марказларнинг ташкил этилгани самарасида спортнинг ушбу нафис тури билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Мамлакатимизда бадий гимнастиканинг жадал омалашаётгани қизларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом вояга етишига хизмат қилиш билан бирга, улар орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи республика кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи ўтказилди.

• «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Термиз шаҳрида «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг иштирокига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Анжуман доирасида юртимизда оилалар мустаҳкамлигини, аҳоли фаровонлиги ва реал даромадлари ўсишини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлик масаласини ҳал этиш, таълим, тиббиёт соҳаларини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар самаралари ҳақида сўз юритилди. Давлат дастурининг ижросини оммавий ахборот воситаларида янада кенгрок ёритиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

• Андижон давлат тиббиёт институтида вертебрология ва артрологиянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда йирик бўғимлар патологияси диагностикаси ва даволашнинг долзарб масалалари, умуртқа шикасталиги ва ортопедик касалликларни даволашдаги янги технологиялар ҳамда травматология ва ортопедияда замонавий технологияларнинг қўллашнинг муҳим йўналишлари сингари мавзуларда маърузалар тингланди.

• Фарғонада узумчиликни ривожлантиришга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитига мос, серхосил ток навларини экиш, янги тоқзорларни қўпайтириш, узумчиликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

ЖАҲОНДА

• Жанубий Корея Мексикага 20 миллиард долларлик кредит берди. Мексика қишлоқ хўжалиги вазирлиги Энрике Мартинес-и-Мартинеснинг таъкидлашича, ушбу маблағдан қишлоқ хўжалиги, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва транспорт каби иқтисодийнинг стратегик йўналишлари учун қўйилмалар қиритиш мақсадида фойдаланилади.

• Фарбий ва Шарқий Германия бирлашганидан буён, яъни 1990-йилдан кейин биринчи бор ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижалари эълон қилинди. Германия федерал статистика муассасасининг маълумотларига кўра, Германия аҳолиси 80,2 миллион кишини ташкил этди. Бу илгари тахмин қилинганидан 1,5 миллион камдир.

• Америкада парвоз қилаётган, бортида 143 нафар йўловчи бўлган самолёт салонда бомба мавжудлиги ҳақидаги хабардан кейин иккита қирувчи самолёт ҳамроҳлигида Финикс шаҳри аэропортига қўнди. Самолёт қўнгандан сўнг полициячилар йўловчиларни хавфсиз жойга қўчиришди. Ҳозирда самолёт шубҳали предметлар мавжудлиги юзасидан ба-тафсил текширилмоқда.

• Швейцариянинг Женева шаҳридаги «Кристис» кимошди савдосида оғирлиги 100 каратдан ортқ йирик шаффоф бриллиант салкам 27 миллион АҚШ долларига сотилди. Ушбу қимматбаҳо тош Ботсвананинг жанубий қисмида топилган бўлиб, аввалгига унинг оғирлиги 236 каратга тенг эди. Олмосни қиррадор қилиш ва сайқаллаш ишларига қарий икки йил керак бўлди. Ушбу қимматбаҳо тошнинг нархи рангсиз шаффоф бриллиантлар учун рекорд ҳисобланади.

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Келажак овози» республика кўрик-танловининг шаҳар босқичи бошланди.

✓ **БУГУН** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази ўқувчилари ўртасида

авиамоделъ йўналишининг каттапульта ёрдамида учувчи самолёт моделлари Республика мусобақасининг очилиши бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Олмазор туманидаги «Гузарбоши» маҳалла гузаридида «Огоҳликка даъват» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.



ASIA ALLIANCE BANK

бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаб бориш учун 2012 йилда бир неча янги хизмат турларини жорий қилди. Натижада 2013 йилнинг 1 апрель ҳолатига аҳолининг мuddатли ва жамғарма омонатларга қўйган бўш пул маблағлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 72 фоизга ошди.

Тобора тараққий этаётган замонавий технологиялар тижорат банкларини стратегик ривожлантириш ва тизимда маркетинг сиёсатини олиб бориш масалаларини нафақат енгиллаштирмоқда, балки соҳада самарали хизмат ва маҳсулотларнинг юзага келишига ва шу орқали молия муассасаларига мижозлар оқимини оширишга замин яратмоқда. Бунини «ASIA ALLIANCE BANK» мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, банкнинг чакана хизматлар

Дарҳақиқат, аҳоли омонатларини банк депозитларига жалб қилиш бўйича республикаимиз тижорат банклари ўртасида ўтказилган танловнинг жорий йилиги босқичида «ASIA ALLIANCE BANK»нинг Амалиёт босқармаси «Банкнинг энг замонавий жиҳозланган бўлини» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Ушбу танлов банкнинг бугунги молия бозори стратегиясидан келиб чиқиб фаол ҳаракатда эканлигини, юқорида таъкидланганидек, аҳолига замонавий технологиялар асосида сифатли хизматлар кўрсатаётганини ҳамда кенг ва ёруғ биналарда мижозлар учун барча шарт-шароитлар яратилганини тасдиқлайди.

Жумладан, банкнинг кейинги пайтларда қўлаб мижозлар диққатини тортаётган хизматларидан бири – депозитар ячейкалар ҳақида тўхталадиган бўлсак, мазкур якка турдаги банк сейфлари қимматбаҳо буюмлар, жумладан, нақд пул, қимматли қорозлар, қимматбаҳо металл ва тошлар, заргарлик буюмлари, махфий ҳужжатлар, антиквар ва бошқа шу турдаги буюмларни сақлаш учун қулай, ишончли ва хавфсиз ҳисобланади. Энг муҳими, банк ушбу турдаги хизматларни кўрсатиш бўйича тўлиқ равишда замонавий хавфсизлик технологиялари билан таъминланган.

Банк сейфли ячейкаларини таъмирлаш, улар бўйича хавфсизлик чораларини кўриш, сақланувчи воситаларни кўриклаш, умуман сейф дахлсизлиги ҳамда мижоз ҳақидаги маълумотлар махфийлигини ўз зиммасига олади. Яна бир муҳим жиҳат, мижоз депозитар ячейка хизматидан фойдаланишда, яъни, сейф ячейкаларига ўз буюмларини жойлаштириш ва қайтиб олиш амалиётларини банк ходимининг назоратисиз амалга оширади.

«ASIA ALLIANCE BANK» мижозлари ўртасида янги мобил ва интернет-банкнинг хизматларини кўрсатувчи «CLICK» тизимидан фойдаланиш ҳам тобора оммалашмоқда. Ушбу тизим мижозларга мобил

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАНГАН БАНКИ



телефон (USSD/SMS-портал орқали) ёки интернет (WEB/WEB-mobile орқали)да уяли алоқа воситалари, интернет провайдерлар хизматлари учун тўловларни амалга ошириш ва бошқа жисмоний шахсларга пул ўтказиш вазифасини бажаради.

«CLICK» тизимида тўлов икки йўналишда – 1 депозит ёки пластик карточка ҳисобварағи орқали бевосита интернет сайти ёки мобил телефони-нинг сўрови билан амалга оширилади. Интернет сайти орқали тўловлар online-режимдаги ҳисоб орқали танлаб олинган товар ва хизматлар учун

Молия муассасалари фаолиятдан

бажарилади.

«CLICK» тизими жаҳон интернет тармоғида кенг қўлланилувчи Web-технологиялар, уяли алоқа хизматларини амалга оширишда зарур бўлган SMS ва USSD технологиялари асосида ташкил этилган.

«CLICK» тизимини ишга тушириш учун танланган технологиялар мижоздан мураккаб вазифаларни бажаришни талаб қилмайди. Масалан, ҳозирда USSD-сўрови аҳоли ўртасида кенг фойдаланилмоқда. Чунки ушбу хизмат уяли алоқа телефонида махсус дастур ўрнатишни талаб қилмайди. Технологияси эса мобил телефонининг тури ва моделидан қатъи назар барчасига мос тушмоқда.

Ҳозирги пайтда банк мутахассислари томонидан савдо-сервис корхоналари (супермаркетлардан маҳсулот харид қилиш, ресторан ва кинотеатрлардаги хизматлар учун тўлов амалиётларини бажариш)да ҳамда банкнинг очик ҳисобрақамлари орқали интернет-дўконларда online-савдоларни жорий қилиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, «ASIA ALLIANCE BANK» пул муомаласини такомиллаштириш, уларни бошқариш тезкорлигини ошириш, сармоя ва вақтни тежаш, омонатчилар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида ўз web-сайтида мижозларнинг «Шахсий хона»ларини жорий қилди. Ушбу хизмат «ASIA ALLIANCE BANK» пластик карточка ва омонат ҳисобварақларига эга мижозларга уларнинг ўз ҳисобрақамларидаги ҳолат ҳақида маълумот бериб боради. Хизматга улашиш ва ундан фойдаланиш бепул. Бунда «Шахсий хона»га кириш учун мижозга унинг мобил телефонида SMS-хабар билан юборилади. Шу тарзда банк мижозлари ўз омонат ҳисобварақларидаги пул маблағлари қолдиғини ҳам назорат қилиб бориш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, «ASIA ALLIANCE BANK»да жисмоний шахслар учун янги «SMS-хабарнома» хизмати ҳам ишга туширилган. Бунда омонатчи ушбу хизматга улашиш орқали депозит ҳисобварағига қабул қилинган ёки чиқим қилинган пул маблағлари бўйича ўтказилган амалиётлар, улар бўйича тўлов ҳужжатларидаги рекузитлар ва мижоз ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи бўйича маълумот олиш имконини қўлга киритади.

ФРАНЦИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР БИЛАН ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

7 июнь куни Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Франциянинг халқаро педагогик тадқиқотлар маркази, Версаль Академияси ҳамда ўзбекистонлик педагоглар иштирокида видеоконференция ўтказилди. Унда Франциядаги нуфузли Академия мутахассислари ва юртимизнинг француз тили ўқитувчилари ўзаро тажриба алмашишди.

Мутахассисларнинг фикрича, 1-синфдан бошлаб чет тилини ўргатиш бирмунча мураккаб жараён. Чунки, бунда ўқувчининг ёши инобатга олинмаса, уни толиқтириб қўйиш, билим олишга бўлган иштиёқини сусайтириши мумкин. Бу эса кейинги синфларда унинг тил ўрганишига салбий таъсир этади. Шу сабаб 1-синф ўқувчиларига чет тили ўқитишни самарали ташкил этишда, аввало, уларнинг ёши инобатга олинди. Бу борада чет тили дарсларини кўргазмалар куруллар орқали қизиқарили ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Бунда янги чоп этиладиган дарсликларнинг мультимедияли иловаларидан унумли фойдаланиш тавсия этилади.

Мазкур ишларни янги талаблар асосида йўлга қўйиш учун кўргазмалар ўқув куруллар, 1-синфлар учун дидактик материаллар, муяжжар, 2-4-синфлар учун ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча луғатлар, ўзбек халқ эртаклари (инглиз тилида) билан таъминлаш кўзда тутилган.

2013-2016 йилларда умумтаълим муассасалари чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва техник воситалар билан қўшимча жиҳозланади.

Ҳозирда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Франциянинг юртимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган махсус курси муваффақиятли тамомланган педагоглар республиканинг барча вилоятларидаги ўқитувчилар малакасини оширишга қўмак беришмоқда. Чет тили фани ўқитувчиларига қўйилган талаб ҳам қўйилган ҳамда уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида қишлоқ ҳудудларида жойлашган таълим муассасалари чет тили ўқитувчилари таъриф ставкасига 30 фоиз ва бошқа таълим таълим муассасаларида 15 фоиз ставкалар миқдоридидаги қўшимчалар қўшиб берилиши белгилан берилган.

Видеоконференцияда мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган иш-лохотлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилди. Ўз навбатида французлик мутахассисларнинг ҳам бу борадаги тажрибалари тингланди.

Анжуман иштирокчилари француз олимлари билан ўзаро мулоқот қилиш, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўлишди.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши чет тилларни ўрганиш тизимида тўб бўрилиш ясади. Киска фурсатда мамлакатимизда чет тиллари бўйича узлуксиз таълим тизимининг давлат стандартлари ишлаб чиқилди ҳамда таълимнинг барча босқич битирувчилари тайёргарлик даражасига қўйилган талаблар белгиланди. Шунингдек, таълим стандартларининг ҳар жиҳатдан пухта бўлишини таъминлаш мақсадида халқаро экспертлар жалб этилди.

— Бугунги кунда республикада 1221 та умумтаълим мактабларининг 5-9-синфларида 232 645 нафар ўқувчилар француз тилини ўрганиб келмоқда, — деди Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси ўринбосари Абдурахим Носиров. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори асосида умумтаълим мактабларида француз тилини ўргатиш тизими ҳам янгиланмоқда. Жумладан, чет тилидан умумеропа компетенциялари асосида яратилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида умумтаълим мактабларининг 1-синфлари учун янги «Hignonelle» — «Калдирғоч» дарслик мажмуаси яратилди. Ушбу дарсликни яратишда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан яқиндан ҳамкорлик қилинди. Яратилган дарслик мажмуа жорий йилнинг май ойида республикаимизнинг 28 та мактабидида тажриба-синновидан ўтказилди ва жойлардан олинган фикр-мулоҳазалар асосида такомиллаштирилди. Мазкур янги дарслик мажмуасига бепул етказиб берилади. 2013 йил 1 сентябрдан 2045 та синфда 539 553 нафар 1-синф ўқувчилари чет тилларни ўрганиши бошланади. Улардан 12 900 нафар ўқувчилар француз тилини ўрганишади. Чет тили, хусусан, француз тилини ўқитишни самарали ташкил этиш мақсадида вазирлик томонидан қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

МАСОФАДАН МУЛОҚОТ ЎТКАЗИШ — МАҚБУЛ УСУЛ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида Ҳакамлик судлари фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган навбатдаги он-лайн видеоконференция ўтказилди.

Тадбирда ССП раҳбарияти, Ҳакамлик суди масъуллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик судлари раислари ва судьялари иштирок этишди.

Ушбу тадбирда Палата ҳузуридаги амалдаги доимий фаолият юритувчи Ҳакамлик судлари иш фаолиятини такомиллаштириш чораларини кўриш, оммавий ахборот воситалари ёрдамида ҳакамлик суди фаолиятини кенг ёритиб бориш, айниқса босма матбуотда чиқишларни қўлайитириш, жойларда тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкиллаштириш масалалари атрофида муҳокама этилиб, бу борада айрим ҳудудларда ишлар етарли даражада ташкил этилмаганини эътироф қилинди.


Шунингдек, видеоконференция давомида жойлардаги хусусий тадбиркорлар, хусусий банklar, масъулияти чекланган жамиятлар, сугурта компаниялари ҳамда қўшма корхоналар масъулларига ҳакамлик судининг афзалликлари ҳақида кенгрок тушунириш ишларини олиб бориш, айниқса тарғиботнинг мақбул усули бўлган учрашувлар ўтказиш орқали қўрилган ишларни таҳлил қилиш муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди, бу борада қилиниши лозим бўлган навбатдаги вазифалар белгиланди.

Тадбир сўнгидида мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиб, шундай йўналишдаги тадбирларни ҳар ойда ўтказишга келишиб олинди.

ССП Матбуот хизмати

БОБУРШУНОСЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Буюк давлат арбоби, қомусий аллома, ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояندаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти халқимизнинг шонли тарихида алоҳида ўрин тутди.



Бобур Мирзонинг турли соҳаларга оид бебаҳо ва бой илмий-адабий мероси, айниқса, миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олган «Бобурнома» асари жаҳоннинг қўлаб тилларига таржима қилинган. Шу билан бирга, шоир, тарихчи олим, табиатшунос, моҳир саркарда, улкан арбоб сифатида маърифий дунё томонидан тан олинган бу буюк шахс ҳақида Европа, Осиё, Америка ва бошқа қитъаларда ўнлаб-юзлаб илмий тадқиқотлар, бадиий китоблар яратилган ва бугун ҳам яратилмоқда.

Юртбошимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Бобури Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг доғруғини дунёга таратган улғу аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади».

Мустақиллик даврида юртимизда қўлаб аждодларимиз каторида Бобур Мирзога бўлган эътибор ҳам юксак поғонага кўтарилиб, унинг ижоди ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Утган давр мобайнида шоирнинг назмий девонлари, «Бобурнома», «Аруз рисоли», «Волидия» сингари нодир асарлари қайта нашрдан чиқди. Бобур ва бобурийлар ҳақида хорижда яратилган юзлаб бадиий, илмий, тарихий манбалар ўрганилди, қўлаб асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шоир ва ёзувчиларимиз, тарихчи олимларимиз томонидан бу мавзуда қўлаб асарлар яратилди. Юртимизда илк бор «Бобур энциклопедияси» тайёрланди.

Андижон шаҳрининг маркази ва Бобур номи билан аталувчи маданият ва истироҳат бунёд бобомизнинг порлоқ сиймоси акс этган ҳайкалар бунёд этилди. Илгирим йилдан зиёда вақт мобайнида фаолият юритиб келаётган Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва унинг илмий экспедицияси томонидан Бобур ва бобурийлар меросини ўрганиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Шу йилнинг 10-11 июнь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг» жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро конференция ҳам улғу ватандошимизнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишга қаратилган муҳим тадбирлардан бири бўлди. Бобур Мирзо таваллудининг 530 йиллигига бағишланган мазкур конференцияда юртимиз олимлари билан бир каторда Германия, Япония, Миср, Хиндистон, Покистон, Венгрия, Эрон, Россия, Туркменистон, Озарбойжон, Қозғистон, Қирғизистон сингари давлатлардан келган тарихчи олим ва мутахассислар иштирок этди.

Ялпи мажлисдан сўнг учта шўъбада давом этган анжуман ишида Бобур ва бобурийлар, шунингдек, юртимиз, хусусан, адабиётимиз ва санъатимиз тарихига бағишланган саксондан зиёд қизиқарили маърузалар тингланди.

— Бу каби халқаро илмий анжуманлар нафақат халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга, балки Ўзбекистон ва Хиндистон жаҳон тамаддуни марказларидан эканини яна бир бор кенг намоён этишга хизмат қилади, — деди Рампур Разо кутубхонаси директори, профессор Азизиддин Хусайн (Хиндистон). — «Бобур девони»нинг қўлёзма нусхаси кутубхонамиздаги энг ноёб ва қадрили манбалардандир. Бу асар бизга Бобурнинг буюк қалбидан — ҳар доим зағуликка ишониб яшаганидан сабоқ беради.

Мазкур илмий-амалий конференцияда кейинги йилларда бобуршуносликда қўлга киритилган жиддий ютуқлар билан бирга, бу соҳадаги муҳим ва долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Анжуман иштирокчилари Бобур Мирзо ва унинг аждод-авлодлари меросини илмий асосда чуқур ўрганиш ишлари бугунги кунда Ўзбекистонда намоён бўлаётган маънавий тикланиш ва юксалиш жараёнлари билан уйғун ва ҳамохан тарзда амалга оширилаётганини таъкидладилар.

(ЎЗА)

ЯНГИ ЮЛДУЗЛАР БЎЙ КЎРСАТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу пойтахтимизда ўтган бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Нарру Сагавап» халқаро турнирида яна бир бор ўз ғолибосини топди.

Тўрт кун давом этган мусобақада яқкаликлар ва гуруҳлар ўртасида кўпқураш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал беллашувлари ўтказилди. Гимнастикчи қизларнинг халқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариши, мусиқа ва ритми яхши ҳис этиши, қаққон ва нафис ҳаракатлари муҳлисларга завқ бағишлади.

...Ҳажонли дамлар — ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бошланди. Тошобинларнинг гулдўрос қарсаклари остида майдонга яқкалик ва гуруҳ беллашувларида совринли ўринларни эгаллаган гимнастикчилар кириб келди.

Осиё чемпионатининг алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал мусобақасида спортчимиз Жамила Раҳматова бир қумуш ва уч бронза, Майя Филиппова бронза медални қўлга киритди. Гуруҳ машқларининг «уч халқа ва икки тасма» деб ном олган турини бажаришда хитойлик гимнастикчилар биринчи бўлди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Нарру Сагавап» халқаро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ҳам ўз маҳорат ва истеъдодини муносиб намоийш қилди. Булавада машқ бажаришда Нилуфар Шомуродова, тасмада машқ бажаришда Зулфия Йўлдошева иккинчи ўринни эгаллади. Гуруҳлар ўртасидаги баҳда вақилларининг биттадан қумуш ва бронза медалга сазовор бўлди.

Тантанали маросим таниқли санъаткорлар ижросидаги катта концерт билан якунланди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани «YANGI INTELEKT-2013» — энг яхши интеллектуал мулк объекти танловига бағишланди.

ИХТИРОЧИ ЁШЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Мамлакатимизда иختирочилик ва илмий-технавий ижодиётни рағбатлантириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, янги техника, технология ва рақобатбардош маҳсулотларни яратишга қўмаклашиш, илғор технологияларни татбиқ этиш, иختирочилик фаолиятини фаоллаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасида Интеллектуал мулк агентлиги томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили мамлакатимиз ҳудудида интеллектуал мулк объектиларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш мақсадида агентлик томонидан уларга олти мингдан ортиқ талабнома қабул қилинди. Бу кўрсаткич олдинги йилга қараганда 5,2 фоиз кўп демакдир.

Жорий йилнинг 27 майдан 5 октябрга қадар уч босқичдан иборат «Yangi intellekt-2013» — энг яхши интеллектуал мулк объекти танлови ўтказилмоқда. Унда иختиро, фойдали модель, саноат намунаси ва дастурий маҳсулотлар йўналишлари бўйича энг яхшилар аниқланади.

Тадбир Интеллектуал мулк агентлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги Технологиялар трансфери агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Мазкур танловни ўтказишдан мақсад мамлакатимизда илм-фани янада ривожлантириш, илмий фаолиятга иқтидорли ёшларни жалб этиш, иختирочилик, ахборот технологиялари соҳасида давлатимизнинг мустақиллиги йилларида эришган ютуқларини кенг тарғиб этиш, энг яхши интеллектуал мулк объектиларини аниқлаш ва ҳуқуқ эгаларини муқофотлашдан иборат.

Унинг аҳамиятли жиҳати шундаки, юртимизда янги технологиялар, товарлар ва рақобатбардош маҳсулотлар яратиш жараёнини фаоллаштириш, соҳага инвестиция жалб қилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш секторига истиқболли ишланмаларни татбиқ этишга ҳамда инновацион фаолият аҳамиятини ошириш ва иختирочилик, илмий-технавий ижодиётни рағбатлантиришга амалий қўмак беради.

Агентлик мутахассисларининг таъкидлашича, тадбир интеллектуал мулкни самаралироқ бошқариш учун миллий савияда асос яратиш мақсадида уни тарғиб қилиш билан боғлиқ жараёнларни келажақда янада ривожлантириш ва қўлайитириш ишларини олиб боришга ёрдам беради.

Анжуманга йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофида жавоб олдлар.

Абдуалим САЛИМОВ

Обод шаҳрим — озода шаҳрим

Хабарингиз бор, яқинда кўп қаватли уйлarning кириш йўлаклари, ҳовли-жойлардан ташкил топган маҳаллаларда бўлиб, ютуқ-камчиликларни бир сидра таҳлил қилган эдик. Сафаримиз натижасида кузатишган кўпгина муаммоларнинг бартараф қилингани барчамизни мамнун этди.

Ёдингизда бўлса, ўшанда кейинги гал шаҳримизнинг савдо ва хизмат кўрсатиш шохбачалари — ошхона, чойхона, новвойхона, озиқ-овқат дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини кўздан кечириш ҳақида айтган эдик.

«Ваъда вафоси билан гўзал», — деганларидек, уларнинг озодаллиги, атрофнинг ободлиги ва санитар ҳолати билан танишиш учун шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш департаменти ҳамда Санитария-эпидемиология назорати маркази вакиллари билан биргаликда навбатдаги сафарга отландик. Шунингдек, халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг 2013 йилдаги «Тошкент шаҳрининг умумий овқатланиш тармоғи объектлари, новвойхона, ошхона ҳамда чойхоналарда санитария-гигиена, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларига риоя қилиниши тарибига солиш тўғрисида»ги ҳамда «Тошкент шаҳрининг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш ва аҳоли ўртасида экологик маданиятни тарбиб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қандай ижро этилаётгани билан яқиндан танишиш мақсадини ҳам диллимизга тугдик.

Авалло шунини таъкидлаш жоизки, Мустиқлик шарофати билан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларига эътибор янада кўнади. Соҳада амалга оширилган ислохотлар ва янгиланишлар самараси ўлароқ бири-бирдан чиройли тўйхоналар, умумий овқатланиш шохбачалари пайдо бўлди, бозорлар тартибга келтирилиб, замонавий кўйфа касб этди. Аҳолига савдо, хизмат кўрсатиш маданияти сезиларли даражада ошди. Ёнг муҳими, соҳада юқори сифат кўрсаткичларга эришилганлиги...

Шуларнинг барчасининг замирида бир қарашда оддий кўринган савдо маданиятига риоя қилинса ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади, деган оддий ҳақиқат мавжудлигини унутмаслигимиз керак. Савдо маданияти, бу — халқимизга сох хусусият бўлиб, асрлар давомида шаклланган қадриятларимиз тимсолларидан биридир. У бугунги кунда ҳам долзарбликни қолмоқда. Савдо маданиятига риоя қилиш, хушфейл, яхши муомала, тартибли бўлиш соҳа вакиллари фақат нуфузиди ошириб, ишнинг юришиши, баракали бўлишини таъминлайди. Зеро, савдо ва хизмат кўрсатиш маданияти нафақат яхши муомала ва тартибни билдиради, балки у ободлик ва озодаллик ҳимдир.

Шуларни яна бир қарра ҳаёлимиздан ўтказган ҳолда сафаримизни **Миробод** туманидан бошладик. Миробод кўчасида тартибли жойлашган савдо ва умумий овқатланиш нукталарининг кўпчилиги кўриб, диллимиз ёришди. «Дилкаш» кафеси атрофида яшил буталар, гуллар барқ уриб тургани, ходимларнинг санитар қоидаларига риоя этган ҳолда ўз ишлари билан машғул эканининг гувоҳи бўлдик.

Банокатий кўчасидаги 4-ўйда жойлашган «Очил дастурхон» кафесининг атрофи тоза-озода, ичи — саранжом-сарилшта. Кираверишга арчалар, гуллар экилган. Ўртада фаворадан сув отилиб турибди. Бироқ кафе ичкарасида айрим камчиликлар мавжудлигини ҳам кўрдик. Масалан, нон устига оқ мато ёпилмаган. Бундан ташқари, ярим тайёр гўшт махсулотлари сақланадиган совутич камерасида буюклар кўчиб кетиб, зангланган жойлар ҳам пайдо бўлган. Хароратни ўлчовчи термометр йўқ.

Фитрат кўчасида жойлашган «TEGEN» озиқ-овқат дўкони атрофида эса бутунлай ўзгача манзарага дуч келдик. Атрофдаги куруқ-шай бошлар, беғона улар ўрилмаган, яхши ниятлар билан экилган арчалар сувсизликдан деярли қуриб қолди. Дўконнинг ичи тартибли бўлгани билан, ташқаридаги ободлик ва озодагарчиликка ҳам эътибор бериш керак-ку, ахир.

Зеро, ҳар бир савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари атрофини ободонлаштириш лозимлиги белгилан қўйилган-ку. Шу масалага муҳим эътибор қаратишимиз кераклигини унутмаслигимиз даркор.

Бектемир туманидаги Байқор кўчасининг 135-ўйда жойлашган озиқ-овқат махсулотлари дўкони ёнидаги дала-дўкон сотувчинининг ҳалат киймагани оддий ҳол бўлса керак. «Водник» даҳасида жойлашган Қўйил дехқон бозори филиалидаги савдо расталари — бир нафс. Бироқ рўпарама-рўпара жойлашган иккита сомсахонадаги икки хил аҳолини кўрдик. Авваламбор, атрофи очик сомсахона тепаида катта қилиб «Тандыр сомса» дея имло хато билан ёзилган. Сомсахона шифтларининг бўёғи қўчиб ётибди. Ичи ҳам озода эмас. Рўпарасидаги замонавий тарзда қурилган усти ёпиқ сомсахонада бунинг акси — рисоладагидай.

Хамза туманига ўтишимиз биланок Авиасозлар кўчасидаги 110-ўй атрофидаги манзарани кўриб, очиги, кўнгилмиз анча гаш бўлди. Ёнидаги сомсахонадан осмонга шундай қуюқ тўтун ўрляптики, нафас олишнинг иложи йўқ. Уй атрофидаги тераклар қуриб ётибди.

Авиасозлар кўчасининг кўп қаватли 12-ўйи олдида «Сабинабону» фирмасига қарашли кичик ошхона ва дўкон жойлашган. Атрофда турфа хил гуллардан иборат айлана гулзор барпо этилибди. Ошхона ва дўкон ёнига тартиб билан арчалар экилган. Мана, ишга муносабат.

Шуни унутмайликки, «Элга хизмат — олий ҳиммат», — дегани шунчаки гап эмас. Бу барча соҳада, жумладан, хизмат кўрсатиш борасида ҳам амалга ошириш керак. Яъни, хизмат кўрсатиш маданияти доимо юксак даражада бўлиши лозим.

«Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил», — деган аҳойиб маколлимиз бор. Бекорга айтилмаган экан. «Ширин дунё» дўкони атрофидаги бетон ариққа шу қадар кўп турли чиқиндилар ташланганки, дўкон маъмурияти атрофи озода тутишни ҳаёлига ҳам келтирмаётган қўринадди. Бизнинг:

— **Нима учун дўконингиз атрофида бундай ҳунук манзара?** — деган саволимизга шовша-пиша:

— **Эрталаб сутургандик**, — дегандек мужмал жавоб беришди, аммо жавоблари ишонarli чиқмади. Чунки бу ҳолатга анча кун бўлган қўринадди.

САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ушбу соҳадаги ободлик ҳамда санитар ҳолатига эътиборли бўлайлик (Зийрак бобо шаҳар кезади)

Кадийшев шохбекати ёнидаги «Stop n Yd» масъулияти чекланган жамиятига қарашли ошхонада ҳам бир қанча камчиликларнинг шох-хиди бўлди. Жумладан, гумма пишираётган ошпаз иш кийимидан эмас, сомсахона тепасидаги шиферларни қурум босган...

Мирзо Улугбек туманининг Мухаммад Юсуф кўчасидаги 54-ўйда жойлашган «Абдор Акмалжон» хусусий корхонасига қарашли кафе-бар ва кафе атрофида отилиб турган фавора салқинлик бахш этиб, мижозларни ўзига қорлайди. Кафенинг ичкараси ҳам замонавий дизайн асосида безатилган. Ходимлар бир хил кийимда. Бу ерда марокки ҳордик чиқариш учун барча шароитлар яратилди.

Шу кўчадан юқорироқда жойлашган «Даро» кафесининг ташқи кийфаси ва ичкаридаги тартиб кийини ўзига тортади. Хаммаёқ — тоза-озода. Ошпазларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бироқ кафенинг ёнидаги сомсахона ва кўчадаги манзара — буткул ўзгача. Сомсақпазларнинг ҳалати бўлмасада, сомса тайёрлаётган. Ахир, тиббий кўрик деган нарсалар бор. Санитария-гигиена талаблари мавжуд. Кафенинг олдида қалин қилиб майса экилган, бироқ ўриб олинмагани сабабли манзарани бўзиб турибди. Ахир, ичкарининг шинам-лигига диққат қаратгандан кейин ён-атрофининг обод ва озода бўлишига ҳам эътибор бериш керак-ку.

Кичик халқа йўли кўчасидаги 74-ўйда жойлашган «Эмбер» ресторани ва «Камелия» очик гуллар дўкони атрофида эса ўзимизни гўё эрталаб оламга тушиб қолгандек ҳис қилдик. Атрофда жуда ўхшатиб ясалган товуслар, қоллонлар, тоғ эчкилари, айиқлар гўёки «сайр» қилишяпти. Ёнида эса турли-туман гуллар ва арчалар манзарага жуда мос тушган.

Юнусобод — шаҳримизнинг катта туманларидан бири. Замонавий «Юнусобод» деҳқон бозори атрофи эса даҳанинг маркази ҳисобланади. Шу боис туман бўйлаб сафаримизни айни шу ҳудуддан бошладик.

Бозорнинг бошлиниш жойида, автобуслар бекатининг орқасидаги Аҳмад Дониш кўчасида турли-туман дўконлар мажмуаси бор. Бекат ва дўконлар орасида ерлар юмшатилиб, даракт қўчатлари экилибди. Ажаблаларли жойи шундаки, қўчатлар ўтказилибди-ю, бироқ уларни парварши қилишга мутасаддиларнинг бўйинлари ёр берабди. Натийжада қўчатларнинг кўпчилиги қуриб қолган. Чопилган ёрнинг тупроқлари ҳам сув қўрмаганидан қатқалоқ бўлиб ётибди.

Худди шу кўчада — 500 қадама нарироқда эса аксинча — диллимиз равшан тортадиган манзарага дуч келдик. Яъни «Азиза» гўзаллик салони, «Пархез» миллий ва европа таомлари ошхонаси, спорт-соғломлаштириш марказидан иборат комплекс атрофида иккита фавора атрофга салқинлик таратиб турибди. Бир текис чим ётқизилиб, арчалар экилган.

13-мавзеддаги «Самара» тўйхонасининг атрофи ҳам — рисоладагидек. Махнутоллар барқ уриб, фавора сувлари отилиб туриб-

ди. Шу ердаги «Шаҳара» кафесининг икки тарафига гуллар экилган. Хуллас, бу дизайн комплекси ажиб фойиз-тароват, кўрк ба-нишлар турибди.

Бу ердан 15-мавзегга ўтди-у, шерикларимиз билан бирга ҳайратдан ёқа ушладик. Кўп қаватли уйнинг тағида жойлашган «GRADUS MED» дорихонасининг олд томонидаги ўтларнинг айрим қисми қуриган, қурмаганлари эса ўриб олинмагани туфайли ўсиб ётибди. Бунинг устига шу атрофни кимлардир кичик чиқиндиҳонага айлантириб улгурибди ҳам. Тавба, дорихона ходимлари, ушбу уйга хизмат кўрсатаётган ширкат мутасаддилари нима учун бунга мулқлоқ эътибор бермаётти экан?

Шаҳримизнинг марказий туманларидан бири бўлмиш **Шайхонтоҳур** ҳам ободлик ва озодаллик борасида намуна бўла оладиган дўкон ошхоналар кўп. Масалан, Шайхонтоҳур кўчасида сув бўйида жойлашган «Аист» кафесини олайлик. Шамолда тераклар Бўзсувнинг сокин шовиллашига ҳамоханг тарзда оҳиста шитирлаб, кишига ажиб хуш кайфият бағишлайди. Ён-атрофда эса ёш арчалар барқ уриб ўсяпти. Сув бўйидаги қаровотларга ёзинг жазирама қўнларига назза қилиб ҳордик чиқаришга нима етсин! Ичкарида ҳам ҳамма нарсалар батариб эканининг гувоҳи бўлдик. Бежиз ушбу кафе ҳамшаҳарларимизнинг севиб дам оладиган мас-канларидан бирига айланмаган.

Худди шу кўчада ноҳуш манзаранинг ҳам шохиди бўлди. «Muxisa beauty» гўзаллик салони, дорихона ва интернет клуб атрофида

гумма ва бошқа тамадди қилинадиган махсулотлар савдоси ав-жига чиққан бўлса-да, ён-атрофни шох-шабба ва чиқиндилардан тозалаш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаётти...

Тумандаги «Эски шаҳар» ресторани атрофида яратилган номига яраша миллийлик уфуриб турган аҳойиб манзара киши кайфиятини кўтарди. Қадимий услубда безатилган ресторанининг ички томони, озодагарчилик кўзи қувонтира-да, бироқ ошпазларнинг оддий ҳолга айланмаётган жиҳати — ҳалати йўқлигини кўриб, диллимиз хира тортиди.

Маннон Уйғур кўчасидаги 40-ўйда жойлашган «Обод замин» масъулияти чекланган жамиятига қарашли новвойхонада эса қизик воқеа рўй берди. Халатсиз ҳолда қўли-қўлига тегмай ишлаётган новвойлар неғадир бизни қўришлари биланок дарҳол иш кийимларини кийиб олишди. Ахир, бундай қўбўямчиликка на ҳолат?! Инсон саломатлиги таом тайёрловчи новвойларнинг санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишга, жумладан, доимо оқ халатларда ишлашга чамбарчас боғлиқ-ку. Ана шу оддий ҳақиқатни шаҳримиздаги умумий овқатланиш корхоналари ходимлари доимо ёдда тутсалар, дейимиз.

Фаробий кўчасидаги яна бир манзара ҳаммамизни ранжитди. «Beaty Salon» гўзаллик салонида таъмирлаш ишлари олиб бориладиган пати ва нолларни пешма-пеш харидорлар сотиб олаётганидан ҳам махсулотларнинг сифатли эканини сезиш қийин эмас.

— **Узим қўлни маҳаллада истикомат қиламан, лекин 5-6 йилдан буюн фақат шу новвойхонадан нон оламан**, — дейди шу ерда яшовчи Байрамгул Гурбанбаева. — **Нолларнинг сифати** — яхши, мазази. Ёнг муҳими ҳар кун эрталабки соат 7 дан бошлаб нон тайёр бўлади.

Ўрикзор кўчасидаги «Ўрикзор» маҳалласига қарашли дала-дўконнинг махсулотлари бисёр бўлса-да бироқ сотувчининг халатсиз экани ҳам қондаги рия қилимасликка кирди, албатта.

Бобур кўчасида жойлашган «Мир света» номли электр ҳўжалик моллари дўкони атрофида чиқиндиларнинг тўпланиши, ҳам кўча, ҳам дўкон ҳусини бузаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқлиги бизни тазжубога солди. Шундан сўнг **Учтепа** тумани сари отландик. 23-мавзенинг Лут-фий кўчасидаги «Ватан» супермаркети атрофи ҳам дид билан

безатилган. Яшил майсалар кишига завқ бағишлайди. Ичкарида эса анчагина камчиликлар бор. Айтайлик, сут махсулотлари сақ-ланадиган совутич ичидagi буюклар қўчган. Совутичдаги занг-нинг эса қандай асоратларга олиб келишини кўпчилик билади.

12-мавзенинг Фарҳод кўчасида жойлашган «Азия фуд мастер» масъулияти чекланган жамиятга қарашли миллий таомлар ошхо-наси бундан уч йил олдин ташландик жойга қурилган экан. Қисқа муддат ичида ҳамшаҳарларимиз эътиборига тушган. Бу ошхонада ҳўрандаларнинг кети ўзилмайди. Қозонда ҳалим биқирлаб қайна-ётган бўлса, қўзаларда қўзашўрвалар тобиға етмоқда. Бир хил ҳалатдаги ошпазларнинг ширинсузлиги дилни яшнатади.

— **Кўп қаватли уйда истикомат қилишим бос кўпгина шу ошхонага келиб тураман**, — дейди Одил ота Азимов. — **Барака тоғкур қўли ширин ошпазлар миллий таомларимизни расамадаги етказиб тайёрлашади. Бошқа ошхоналаримизда ҳам шундай бўлсин дейимиз, ишқилиб кўз тегмасин.**

Тумандаги 23-мавзедда жойлашган китоб дўкони, мини-маркет, кичик кўз клиникаси атрофидаги йўл четидида чиқиндилар тўплаб қўйилганлиги марказий Фарҳод кўчасига доғ бўлиб турибди.

Нонни халқимиз энг азиз неъмат сифатида ардоқлайди. Бироқ шунинг ҳам унутмаслигимиз кераки, нон сотишининг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Ҳозирги пайтда катта қўчалар чеккасида транспорт қатновни гавжум жойда чанг-тўзон ва қурумга боғган ҳолда нол-ларни қўлларда қўтариб сотаётганларни кўп учратамиз. Албатта, бу санитария-гигиена жиҳатидан ҳеч қандай қонун-қоидаларга тўри келмайди. Қолаверса, бу ерда инсон саломатлиги ҳақида ҳам гап кетаётганлигини унутмаслигимиз керак. Сафаримиз чоғида жум-ладан Назарбек кўчасида ҳам худди шундай ҳолатга дуч келдик.

Сергели туманида, Кипчок кўчасидаги 1-ўйда жойлашган «Самитол чойхонаси» хусусий корхонасига қарашли кафе ҳам аллақачон сергелиларнинг буш вақтларини мазмунли ўтказадиган мас-канга айланиб улгурган. 150 ўринли хўшманзара кафенинг ўртасида анвойи гуллар, жамбул райхонлар, яшил буталар барқ уриб турибди. Соя-салқин кафе атрофига сувлар се-пилган, офицантлар бир хил кийимда, ҳўрмат ва ширинсу-ханлик билан ҳўрандаларга хизмат кўрсатмоқда. 25 хил таом тайёрланади.

Шу ошхонадан бироз нарироқда қўнанинг нариги бетиди жойлашган дала-дўкон борганимизда яна ўша ноҳуш аҳвол-га дуч келдик. Сотувчи мижозга халат киймаган ҳолда хиз-мат кўрсатмоқда ва бунинг унга айтсақ, зарарча хижолат чекани ҳам йўқ.

Чилонзор туманида ҳам дилни қувонтувчи ва кўнгилни гаш этувчи турфа манзараларга дуч келдик. Жумладан, Фафур Фулом боғига ёндашган «Чилонзор таом» МЧЖга қарашли «Наврўз» кафеси атрофида фаворалар ишлаб тургани, ҳам қишқи эл, ҳам ёзги очик айвонлар мавжудлиги билан киши эътиборини тортади. Арнасов кўчасидаги 7/1-ўйда жойлашган «Эмир» кафеси мил-лий безаклар билан жиловланган, унинг атрофига ўрнатилган ин-гичка фаворалар тизими дилларга ҳўзур бағишлайди.

Ичкарига кирган, Бухородаги «Ситораи моҳи хоса» тарихий ёдгорлиги усулидаги нақшларда ўша давр руҳини кўриб, беҳитёр қўли гул усталари маҳоратига тасаннолар айтасиз. Офицант-лар ҳам — бир хил кийимда, овқатлари сифатли қўринадди.

Муқимий кўчаси бўйлаб кетаётганимизда 14-ўй атрофидаги ма-нзара эътиборимизни тортиди. «YUX» косметология салони олдига уйиб қўйилган қурилиш чиқиндилари кўча ҳусини бўзиб турибди. Салонда таъмирлаш ишлари олиб бориладиган бўлса, чиқиндиларни ташқарига чиқариб ташламасдан, дарҳол олиб чиқиб кетиш керак эди-ку, ахир.

Қўнанинг нариги бетидида аҳвол — қирқилган даракт шохлари-нинг уйилиб ётиши ҳам албатта, қўрган қўзга — жуда ҳунук.

Шундай турфа хил манзараларнинг гувоҳи бўлган ҳолда ниҳоят **Олмазор** туманига ҳам етиб келдик. Кўп қаватли уйлاردан иборат «Тахтапўл» маҳалласида жойлашган «Исик нон» новвойхо-насида тўрт нафар новвой рисоладагидек нон ёпишмоқда. Маҳалла-дагилар ҳам новвойхона хизматидан мамнун эканиларини изҳор этишди. Ота-боболаримиз: «**Нон — барча нон-неъматларнинг она-си**», — дейишди. Ёл-юртта нон етказиб берган киши асло кам бўлмайди.

Себоз 17/18-дахасида жойлашган «Benito kebab» кафеси ёнида фаворанинг мавж уриб туриши, кафе ойнаси ёнига тувалларда чиройли гулларнинг қўйилгани, ичкарида ошпазларнинг оппоқ ха-латларда экани, офицантлар эса махсус либосларда фойалик кўрса-таётганини кўриб, ҳар қандай кишининг кайфияти қўзғалади.

Йон Сино мавзесида кетаверишда катта йўл ёқасида жойлаш-ган «Фулом ота» чойхонаси олдида тупроқ ва лой уюмларининг ётганини кўриб, таълимиз хира бўлди.

Шу ўринда яна бир гап. Мана, ёзинг жазирама қўнла-ри ҳам бошланганти. Албатта, бундай пайтда салқин ичим-ликларга эҳтиёж кўчади. Шу боис шаҳримизда аста-се-кин морс, квас билан савдо қилувчи нукталар қўпайиб борапти. Бироқ, улар орасида ҳеч қандай рухсатсиз ноқо-нуний тарзда фойалик юртаётганлари кўпроқ учраб ту-рибди. Бундан ташқари, қўчаларда ўрик шарбати сотаёт-ганларни ҳам учратиш мумкин. Биринчидан, хонадонлар-да ушбу шарбатлар қандай ҳолатларда тайёрланганлиги номаълум, иккинчидан эса ишчиларни ўз вақтида ювиб, покизалаш учун ҳеч қандай шароит йўқлиги ҳам сир эмас. Албатта, юқоридаги каби ҳолатларга нисбатан СЭС хо-димлари, жамоатчилик назоратини қўчайтириш ва келгу-сида уларга чек қўйиш керак.

Хали ҳам биз ошхона, чойхона, новвойхона ва дўконла-римиз билан боғлиқ ҳамма муаммони кўтараверишдик. Шун-дай масалалар борки, уларни мутхасислар иштирокида алоҳида кўриб чиқиш керак бўлади. Баъзилар ўзларига қарашли ошхона, чойхона, новвойхона ва дўконлар фақат ва фақат даромад манбаи бўлиб қўришиб қолган. У ерда қандай кишилар ҳордик чиқаряпти, ичкиликбозлик авжига чиқмаётми? Бу кенг жамоатчилик назоратидами?

Ёки «ишбай», «соатбай», «қўнбай» деган тушунчалар мав-жуд. Бундай озиқ-овқат шохбачаларида ёлғаниш ишлаёт-ганлар тиббий қўриқдан ўятяптими? Қўлларида шу ҳақда ҳўжжатлари борми?

Шундай шохбачаларда ишлатилаётган идиш-товоклар санитария-гигиена талаблари асосидами? Бунинг учун те-гишли шароит яратилганими? Ана шу каби саволлар бор. Лекин замонавий хизмат кўрсатиш маданияти бунга йўл бермайди, деб ўйлаймиз.

Бу масалаларни алоҳида ўрганишининг ҳам фурсати ке-лади, албатта. Тўғри, соҳа ходимларининг дастурхонимиз тўқинлиги борасидаги хизматларини эътиборга етказамиз. Ўз самарали меҳнат билан эл ҳўрматига сазовор бўлган жонқуяр, захматкаш инсонларни халқимиз яхши билади. Аммо «Тўғур курмакис бўлмайди», деганларидек кейинги пайтларда соҳага тасодифан кириб қолган ўз ишини фа-кат даромад манбаи деб ҳисоблаб савдо маданияти, озо-дагарчилик, ободлик ва санитария ҳолатларига иккинчи даражали масала сифатида қарайдиган баъзи ходимлар ҳам пайдо бўлдики, бундан кўз юмиб бўлмайди. Зеро, ошхона, новвойхона, дўконлар ва сомсахоналарда баъзан кузатиладиган мижозларга қўпол муомала қилиш, тайёр махсулот сифатининг пастлиги, санитария-гигиена қоида-ларига риоя қилимаслик каби ҳолатларга буткул барҳам беришимиз керак. Ниятимиз — шаҳримиздаги ҳар бир сав-до нуктасига ташриф буюрган кишининг кўнгли кўтари-либ, раҳмат айтиб кетсин.

Ха, керакли гап албатта эгасини топади. Ўйлаймизки, шаҳримизнинг юқорида тилга олинган ва бошқа савдо-маиший хизмат кўрсатиш нукталаридаги камчилик ва му-аммолар бартараф этилади ва бу ҳақда ҳам газетехонлар-га жавоб ҳам бўлади. Чунки бу масалага яна бир бор қайтишдан эринмаймиз.

Ана шунча гаплар, азизлар. Кузатувлардан шундай ҳу-лосага келдикки, юқорида тилга олинган камчиликларга йўл қўйган мутасаддилар ўзлари учун тегушли ҳўлоса чи-қариб, намунали ҳаммасларидан ибрат олган ҳолда уларга барҳам беради, шаҳримиз ободлиги ва гўзал ҳуснига ҳўсн қўйишга ҳаракат қилади, дея умид қиламиз.

Демак, шаҳримиз бўйлаб хали сафаримиз давом этади. Ҳар ҳолда, ўзаро юз қўришганда хижолат бўлиб қолмай-лик, дейимиз-да.

Барчангизни бу борада биз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга қорлаймиз. Шу йўналишдаги ютуқ ва муаммолар-дан бизни баҳдор қўлинг. Таҳририятимизга мактуб йўлла-шингиз ёки 233-45-84, 233-29-33 рақамларига қўнғирок қилишингиз мумкин.

Зийрак бобога бу гал
Дилмурод ИСМОИЛОВ
ва Олим МАҲМУДОВ котиблик қилишди.

КўНГИЛЛАРНИ РАВШАН ЭТАДИГАН МАНЗАРАЛАР



Яккасарой туманидаги «Бек» кафеси



Юнусобод тумани, 13-мавзедда жойлашган «Шаҳара» кафесининг ташқи кўриниши



Шайхонтоҳур туманидаги «Эски шаҳар» ресторанининг кўриниши исми-жисмига монанд




Чилонзор туманидаги «Эмир» кафесиди мана шундай шарт-шароитлар яратилган



Хамза туманидаги «Сабинабону» фирмасига қарашли дўкон



Учтепа тумани 12-мавзедда жойлашган «Азия фуд мастер» МЧЖга қарашли миллий таомлар ошхонаси



Сергели туманидаги «Самитол чойхонаси» хусусий корхонасига қарашли ошхона





Беғубор болалик

Спорт

Олис тоғли қишлоққа жуда узоқ Европадан меҳмон келди. Оқсоқоллар ажнабийнинг тилини тушунмай ҳайрон, уни эргаштириб келган талаба йигит эса қишлоғини, бағрндарё одамлари феъл-атворини тасвирлаш билан овора. Шу тариқа кун оға бошлади. Қишлоқда куёш ботиши бир гўзал. Жаноб меҳмон умрида бундай соҳир манзарани кўрмаганлигини уқтирмақда, кўзлари ёнмоқда, қалби қайнамоқда. Шу тариқа улар ҳовли ўртасида ўсган қари ўрик дарахти тагига ўрнатилган чорпояда уйқуга кетишди.

Эрта тонг. Куёш эндигина бош кўтариб, илк заррин нурларини қишлоқ узра сочаётган бир вақтда талаба йигит меҳмоннинг ҳайрат завқи тўла сўзларидан уйғониб кетди. Кўзларини уқалаб меҳмон кўрсатаётган томонга қаради. Тоғ чўқисини поёнида адасдан тикилган бир хил спорт кийимида ҳаракатланаётган қизларга кўзи тушди. Ёпирай, эрта тонгдан улар нима қилишмоқда? Меҳмон ҳайратда, талаба ҳайрон. Аммо бу инглиз жанобига изоҳ зарур эди. Шу боис, талаба ҳовли четиди сут пишираётган онасидан сўради. Маълум бўлишича тоғли қишлоқ қизлари ўзбек жанг санъати билан шуғулланишар экан. Бунга ҳам бир-икки йил бўлибди. Ҳатто улар шу қисқа вақт оралиғида ўзбек жанг санъатини Европа бўйлаб таништиришга ҳам улғирибди. Хусусан, шу йил март ойида Францияда бўлиб ўтган миллий жанг санъатлари фестивалида ҳам иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни қўлга киритишбди. Талабамиз шуларни меҳмонга ҳикоя қилиб бераар экан, албатта, ўзбек жанг санъати ҳақида кўпгина маълумотларга эгалиги, аммо, шу кичик қишлоғида ҳам шундай баркамол ва жасур қизлар борлигини билмаслигидан уйғандай бўлди.

Инглиз меҳмонни қишлоғига етаклаган ёш талаба дўстимиздан эшитган бу кичик, лекин кишига фахр бағишлагувчи воқеа эса бизни Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази сари бошлаб борди. Марказ фаолияти билан яқиндан танишиш асносида Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида спортга қаратилаётган улкан эътибор, миллий спорт турлари истиқболлари, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга бўлган саъй-ҳаракатлар ҳаёлимизда саҳнасида чўқиди.

2004 йилда ташкил топган Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази бугунги кунда 27 спорт федерацияларини ўзида бирлаштиради. Марказ ушбу федерациялар фаолиятини янада жонлантириш, уларга қўйилган ёрдам бериш, миллий спорт турларини дунёга тарғиб қилиш, ва умуман, аҳолини соғломлаштириш каби масъулиятли вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Сир эмаски, бугунги глобаллашув даврида дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари ҳам гоғлар уруши билан тўнаш келиб, маънавий ётуқлики бой бериб қўймоқда. Бугун дунёни ларзага солаётган «оммавий маданият» оқими эса ёшларнинг турли номақбул йўлларга тушиб қолишига, маънавий қашшоқликка олиб келимоқда, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази Бош қотиби ўринбосари Карим Давлетмандов. — Спорт эса бундай

тахликали вазиятда бизга тўғри йўл кўрсатади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда спортга қаратилаётган эътибор ва гамхўрлик туфайли фарзандларимиз соғлом, чиройли ва ҳар томонлама бақувват бўлиб воғая етмоқда. Бунда миллий спорт турларининг катта ўрни борлиги яқини маълум. Биламизки, спорт орқали ҳар бир мамлакат ўзини дунёга тарғиб қилади. Полвонлари эришган ютуқлардан фойдаланиб юради. Шунингдек, спорт орқали мамлакатда сайёҳлик индустрияси ҳам ривож топади. Энг муҳими эса, қайси юртда тинчлик, фаровонлик ва хотиржанлик ҳўм сурса, ўй ҳудудда тараққиёт ашайди, барча соҳалар қатори спорт

ҳам ривож топади. Ва шундагина галабалар нашидаси татийди. Демак, спорт тинчлик ва тараққиёт элчиси ҳамдир.

Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази томонидан амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ишлар мисолида аёниқ, бугун Ўзбекистондан бошқа мамлакатлар ўртак олмақда, биз эришган ютуқ ва натижаларга ҳавас билан интиломоқда.

Ҳабарингиз бўлса, шу йилнинг 23 март куни «Ўзбек жанг санъати» миллий федерацияси терма жамоаси Франция пойтахти Парижда ўтказилган 28-Бутунжаҳон яккақурашлар фестивалида иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни қўлга киритиб қайтишди. Мазкур фестивалда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган миллий спорт федерацияси вакиллари, тажрибали мутахассислар бизнинг жанг санъатимизга ҳайрату ҳавас билан боқиб, уни ўрганиш ва ўзларига ҳам тарғиб қилиш истagini билдиришган эдилар. Яқинда эса бу истак ҳам амалга ошди. Франциядан таширф буюрган бир гуруҳ мутахассислар юртимизда бўлиб, ўзбек жанг санъати ҳақида электрон ўқув-қўлланма ҳамда электрон дарслик тайёрлашди. Энди бу ўқув қўлланмалар бутун жаҳон мамлакатлари бўйлаб тарқатилади ва ўзбек жанг санъати сиру асрорларидан, фалсафаси ва шуққудан дунё халқлари, хусусан, ёшлари ҳам баҳраманд бўлишади.

— Жорий йилнинг 18 май куни Самарқанд шаҳридаги «Мўъжиза» амфитеатрида Ўзбекистон Ҳаваскор ва профессионал муайтай-Атфеатцияси томонидан ташкил қилинган муайтай бўйича «Буюк Ипак йўли» иккинчи халқаро турнирининг финал босқичи мусобақалари бўлиб ўтди, — дея сўзида давом этади Карим Давлетмандов. — Ушбу нуфузли мусобақада иштирок этган Жа-

ҳон Муайтай Ҳаваскор Федерацияси, Муайтай Умумжаҳон иттифоқи президентлари, Спорт Аккорд халқаро ташкилоти раҳбари, Таиланд Қироллиги Парламентининг Спорт қўмитаси раиси ўринбосари ва чет эллик спортчилар ҳамда халқаро мутахассислар юртимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар қўлами, ёшлар спортига қаратилаётган эътибордан ҳайратларини яшира олишмади. Улар учун Самарқанд шаҳридаги, пойтахтимиз Тошкентдаги тарихий қадамқолар, музёйлар, диққатга молик жойларга ташкил этилган саёҳат эса қўтимлаган совға бўлди дейиш мумкин. Демак, «Буюк Ипак йўли» туркумидаги бу спорт байрами ўз навбатида дўстона алоқаларни ўрнатилган, Ватанимиз бой тарихини, буюк келажагини дунё афкор оммасига етказиш йўлида ҳам катта хизмат қилади.

Фикримизни давом эттириб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази қўшида бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатаётган «Мардлар» клуби олиб бораётган ҳайрли ишлар ҳам эътиборга молик. Бугунги кунда ушбу клуб аъзолари «Халқидо» спорт тури билан шуғулланиб, жисмоний ва руҳий қамолотга етмоқда. Эътиборлиси клубда «Халқидо» спорт тури билан 5 ёшдан бошлаб шуғулланиш мумкин. Бу ерда спортсеварлар билан тажрибали мутахассис 8-дан қорабелбос соҳиб, Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази Бош қотиби Эдуард Ли машгулотлар ўтади.

— Мазкур спорт тури аввало, танани, сўнгра руҳни поклайди, — дейди суҳбатимиз давомида Эдуард Ли. — Яна шуниси эътиборлики, халқидо билан шуғулланиш инсон учун мулақо ҳавфсиз. Клубимиз аъзоларидан жуда кўпчилиги илқ маротаба келишганда, баъзи хасталиклардан шикоят қилишади. Мунтазам шуғулланиш давомида эса безовта қилган хасталиклардан мулақо фориғ бўлишади. Бу ҳам спортнинг инсон ҳаёти учун энг фойдалли хусусиятларидан бири.

Шунингдек, Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази ўз олдига мақсад қилиб қўйган миллий спортларимизни дунёга танитиш борасида саъй-ҳаракатларни босқичма-босқич дастур асосида амалга ошириб келмоқда. Жумладан, яккақурашлар турлари бўйича малакали мутахассис ва мураббийлар тайёрлаш амалиёти ҳам доимий диққат марказида турибди. Бу борада хорижлик мутахассислар тажрибасидан ҳам фойдаланиш яқини самара бермоқда. Марказ мутахассислари маълум қилишларича, ҳар йили юртимизга бир неча тажрибали мураббийлар жалб этилиб, улар билан тажриба алмашилмоқда. Эътиборлиси ушбу мақсадлар ижобатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ҳам Марказга амалий ёрдамлари билан қўмақчи бўлиб келишмоқда. Зеро, биз эришаётган ютуқлар, у ҳоҳ спорт, ҳоҳ маданият ё бошқа йўналишда бўлсин, аввало, Ватанимиз манфаати, келажақ авлодларимиз истиқболи, ободлик ва фаровонлигимиз учун хизмат қилади. Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази фаолияти ва мақсади ҳам шу фалсафа билан йўғрилгани қувончли ҳол.

Улғубек АСРОРОВ,
«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФУҚАРОЛАР ВА
ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўнмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21.
Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

ГАЗ БЕРИШИ ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИШ
ТЎҒРИСИДА

«Тошкентшаҳаргаз» филиали қуйидагиларни маълум қилади: **М.Улғубек** тумани, Махатма Ганди кўчаси бўйлаб ўтган ўрта босимли газ қувурида қайта улаш ишлари бажарилиши муносабати билан **2013 йил 13 июнь соат 10-00 дан соат 18-00га қадар** қуйидаги манзилларга газ бериш вақтинча тўхтатилади.

Аҳоли хонадонлари бўйича:

М.Улғубек тумани

— Асака; Л.Толстой кўчалари; «Паркент-2»; «Пушкин» турар жой мавзелари; Л.Толстой кўчасидаги маҳалла қўмитаси.

Ҳамза тумани

— Тўйтепа 2-уй; С.Азимов кўчасида жойлашган 1 та 5 қаватли уй; 3 пр. С.Азимов кўчасида жойлашган 7 қаватли 20-уй; Янгибозор кўчасида жойлашган 70 та хусусий уйлар; Янгибозор кўчасида жойлашган 4 қаватли 1 ва 2-сонли уйлар; Темир йўл кўчасида жойлашган 100 та хусусий уйлар; Парковая кўчасида жойлашган 50 та хусусий уйлар; М.Улғубек (Х.Абдуллаев) кўчасида жойлашган 4 қаватли 1,2,3-сонли уйлар; Бойқўрғон кўчасида жойлашган 11/1,11/2,11/3-сонли ётоқхоналар.

Юнусобод тумани

— А.Қодирий кўчасида жойлашган 9 қаватли 58, 58а уйлар; «Марказ-4» мавзеларидаги уйлар.

Миробод тумани

— Я.Гулямов кўчасида жойлашган кўп қаватли 74 б уй.

Коммунал-маиший корхоналар:

М.Улғубек тумани

— «Дархон» кафеси, «Golden Wing», «Бахор» ресторани; Ҳарбий билим юрти; «Инно-металлист» заводи; «Оло» бозори ҳудудидаги «Дока хлеб» ва ошхона; Ҳиндистон элчихонаси; Успенский номидаги коллеж; «Дархон Бизнес Маркази»; Хоразм кўчасидаги «Ипотека» банки, 17-мактаб.

Ҳамза тумани

— «ТошМИ» институти; 6-сонли туғруқхона; Истиклол кўчасидаги «Ўзнефгаз» корпорацияси; Истиклол кўчасидаги УМБ (НБУ) банки; Ёзувчилар шифохонаси; С.Азимов кўчасидаги Ҳукумат шифохонаси; С.Машҳадий кўчасидаги «ALIS» кафеси; М.Улғубек (Х.Абдуллаев) кўчасидаги «ELIZAR» ресторани; Шахри кўчасидаги Эрон давлати элчихонаси; Паркент кўчасидаги 69-мактаб; М.Улғубек (Х.Абдуллаев) кўчасидаги «MERAKL» меҳмонхонаси; Насаф кўчасидаги «ГАП» кафеси.

Миробод тумани

— Истиклол кўчасидаги SMS фирмаси; «Автогаз» УК.

Юнусобод тумани

— «Ucell» офиси қозонхонаси.

Авария ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида, газ бериш тўхтатилганда ва қайта ёқиш даврида барча газ асбобларини ўчириб қўйишини таъминлаш бўйича:



Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 12 июнда Тошкент шаҳри об-

Тошкент шаҳрида 12 июнь кунини ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.

ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратмайди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазл қўйиши таъмин қилинмоқда, таъмиқдори наст бўлади.

ТАШТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Ҳар фаслнинг ўз гашти, маъно-мазмунини, ташвиш ва вазифалари бўлади. Мана, юртимизда ёз ҳам бошланиб кетди. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ёзги таътилга чиқди. Ҳўш, уларнинг бу вақтини қандай ўтказиш керак?

Мамлакатимизда болаларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш, оромгоҳларда уларни соғломлаштириш чора-тадбирларини янада кучайтириш, бу борадаги ишларни тизимли равишда йўлга қўйиш ва узаро мувофиқлаштириш бориш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Чўки ўсиб келаётган авлод — келажагимиз. Юртимизда болаларни ҳар тарафлама баркамол қилиб воғая етказиш жамиятнинг муҳим мақсадида айланган.

Ҳозир шахримизнинг барча туманларидаги умумтаълим мактабларида кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари ҳамда болалар соғломлаштириш майдончалари ташкил этилган.

Масалан, Сергели тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг бўйруғига кўра тумандаги 47, 285-ҳамда 300-сон умумтаълим мактаблари қўшида кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари, қолган барча умумтаълим мактабларида эса болалар соғломлаштириш майдончалари ташкил этилиши белгиланди.

285-умумий ўрта таълим мактаби базасида болалар ёзги оромгоҳи тўрт мавсумдан иборат бўлади. Ҳар бир мавсум ўн кун давом этади. Биринчи мавсум 10 июндан бошланади.

Оромгоҳга, асосан, кўп болали, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва бошқа ҳоҳловчилар қабул қилинади.

Ҳар бир мавсумда ҳар бири 30 боладан иборат 6 та гуруҳ шакллантирилади. Уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тарбиячилар белгиланди. Психолог, тиббий ҳамшира ҳам болалар хизматида. Ҳовлида кўча бассейни ташкил этилди. Алоҳида сув иситиш титани ўрнатилиб, душ тайёрланди. Ёнғин хавфсизлигининг олдини олиш учун тегишли мосламалар тахт қилиб қўйилди.

Бу кундузги оромгоҳда болалар эрталаб соат 8 дан кечки 17 га қадар дам олишади. Уларга ҳар кўни ўч маҳал иссиқ овқат берилади.

Тарбиячилар турли машгулотлар, ўйинлар ўтказиши кўзда тутилган. Мактаб кутубхонасида болаларга мўлжалланган қизиқарли китоблар мавжуд.

— Ёзги оромгоҳ ташкил этиш — мактабимиз учун биринчи тажриба. Шунга қарамадан, биз бунга жиддий тайёргарлик кўрдик. Болаларимизни сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан тегишли ташкилотлар билан шартномалар туздик. Умид қиламизки, бу ерда дам олган болаларимиз ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам хурсанд бўлади, — дейди мактаб директори вазифасини бажарувчи Нигора Ҳамидова.

Дилдора ОЛИМОВА,
285-мактаб ўқитувчиси

Бектемир ТИИБ ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушутириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштириляпти. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бориломоқда.

«101»

ЁНҒИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Амалга оширилаётган тадбирлардан қўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. «Тисиз ёш» билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шир ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, қорхона, муассаса учун тааллуқлидир. Аҳолининг қўлидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мақсадаги мувофиқ бўлар эди.

Ониқ аналгандан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш.

Электр ва газ асбобларини доимо соҳ ҳолда тутиш ва шундай носоз анжомлардан фойдаланмаслик.

Юридагига ўхшаш қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулкни, уй-жойини, қолаверса, ўзини ва яқин кишиларининг ҳаёти ва саломатлигини асраб қолган бўлади.

Агар биз кўндалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни тахлил қилиб чиқадиган бўлсак,

аскарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганнинг гувоҳи бўламиз. Билиб туриб ўзимизни ва мол-мулкимизни хатарга қўямиз. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билгичанча хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолларни қорхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Баъзи беғамроқ бекаларимиз эса газ плиталарида овқатни эътиборсиз қолдириб ёнғин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар. Ёнғин нафақат уй қурилмалари ва жиҳозларини қўлга айлантиради, балки ушбу офат кўплаб инсонлар ҳаётини, соғлигини, ёшлигини ўзи билан «олиб кетади», бир умрга мажруҳлар айлантиради. Шунинг учун биз ёнғин хавфсизлиги ходимлари маҳалла фаоллари, барча инсонларни, хонадон эгалларини, фарзандларимизни огоҳликка чақирамиз.

Бекзод ПИРМАТОВ,
Бектемир ТИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Лутфор кўчаси, 64 А-уйда жойлашган Сергели саноат касб-хунаро коллежи 2013-2014 ўқув йилига коллеждаги 40 ўринли бўфетни ижарага бериш учун тендер эълон қилади.

Мурожаат учун телефон: 257-74-16
Факс: 257-74-57 257-16-74

«KUDRATILLA FAYZ» хусусий корхонаси (ИНН 300358795)
«KUDRATILLA FAYZ» МЧЖ шаклида қайта ташкил этилган. Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида 980-73-07 телефони орқали қабул қилинади.

Мирзо Улғубек туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 2007 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтган, Мирзо Улғубек тумани, Э.Марамов кўчаси, 58-уйда жойлашган «VOJUR-STROY» МЧЖ (ИНН: 300602792) тугатилади. Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида 244-20-73 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент молия ва иқтисодий коллежи томонидан 2011 йил 14 июнда Ким Валентина Николаевна номига берилган 141 рўйхат рақамли, К№ 2244841 сонли дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 37-уй, 26-хонадонда яшовчи Қучкинов Абдималикга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г-641

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11837 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул
Д. Исроил

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ